

**УДК: 10+006.2+599.9**

**Farrukh Yuldashev,  
teacher,  
Fergana state university,  
Uzbekistan, Fergana city**

**Фаррух Юлдашев,  
ўқитувчи,  
Фарғона давлат университети,  
Ўзбекистон, Фарғона ш.**

## **PHILOSOPHICAL KNOWLEDGE - AS AN IMPORTANT FACTOR IN IMPROVING THE LIFE OF SOCIETY AND YOUTH**

### **ФАЛСАФИЙ БИЛИМЛАР - ЖАМИЯТ ВА ЁШЛАР ҲАЁТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА**

**Annotation:** This article is about understanding the essence of philosophy and philosophical knowledge, and through it views on the development of the individual and society, as well as the human factor, self-awareness, a valuable approach to life

**Key words:** philosophy, society, development, globalization, man, person, doctrine, spiritual ascension, value, imagination, consciousness, being, movement, existence, cognition, morality, worldview, social knowledge.

**Аннотация:** Уибӯ мақолада фалсафа ва фалсафий билимларниң мөҳиятини англиши, ва бу орқали шахс ва жамият тараққиётини ривожлантириши, қолаверса инсон омили, ўзликни англиши, ҳаётга нисбатан қадриятили ёндашув каби масалалар хақида фикрлар билдирилган.

**Калим сўзлар:** фалсафа, жамият, тараққиёт, глобаллашув, инсон, шахс, таълимом, маънавий юксалиши, қадрият, масаввур, онг, борлиқ, харакат,

*мавжудлик, билии, ахлоқ, дунёқараши, ижтимоий билимлар.*

XXI асрга келиб инсоният тараққиёти эгаллаган билимлари, онги ва тафаккурининг юксаклиги, кенглиги даражаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди. Кишилик жамиятининг ривожланиши давомида фалсафий билимлар инсонлар орасидаги ўзаро муносабатлар ва хатти-ҳаракатларни тартиба солишга, инсоннинг жамият ва давлат манфаатларини ҳурмат қилиш, ўзлигини англаш, шахс сифатида камол топиш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Ҳозирги замон инсон ҳақидаги таълимотлар бир томондан, ўзидан олдинги қарашларни ижодий давом эттираётган бўлса, иккинчи томондан, тарихий тараққиётнинг назарий, методологик, амалий жиҳатларини белгилайди ва истиқболларини кўрсатади. Глобаллашув шароитида инсон ҳақидаги таълимотлар ғоят хилма-хил, муқобил таълимотлардан иборат бўлиб, бир томондан, комплекс-тизимли тадқиқ этишни, иккинчи томондан, “таълимотлар уммони” дан инсон маънавий ривожини юксалтиришга, миллий истиқлол ғоясини мустаҳкамлашга, объектив ҳақиқатни англаб этишга, замон талабига қай даражада жавоб бера олишига қараб ёндашишни тақозо қиласди.

Фалсафа инсон маънавий ҳаёти ва билимларининг қадимий тармоғи ҳисобланиб, барча мамлакатлар ва минтақалардаги одамлар қарийб уч минг йилдан буён турли шаклларда, аввал афсоналар шаклида, кейинчалик муайян назарий тузилмалар тизими ва бир бутун концепциялар шаклидаги «инсонни ўраб турувчи олам аслида нима ҳамда унда инсон қандай ўрин ва вазифани эгаллади?» деган саволга жавоб беришга уриниб келган. Фалсафанинг муайян тарихий табиати нафақат давр ўлчовида балки макон-цивилизация ўлчовида ҳам намоён бўлади. Фалсафа ўз давринигина эмас, балки муайян цивилизация, муайян жамият, муайян маданиятнинг ҳам маҳсулидир. Ғарб ва Шарқ фалсафий анъаналари, ислом, христиан ва буддавийлик фалсафаси, тоталитар ва демократик жамиятлар фалсафалари бунга мисол бўлади. Фалсафа ўзининг муаммолари ва тушунчалар аппаратида инсоният тўплаган амалий ҳамда билиш тажрибасини йигади, табиий ва башарий борлиқнинг турли

томонларини англаш бўйича қидиувларни уйғунлаштириб бирлаштиради ва тизимлаштиради, замоннинг «кескин томир уриши»ни қайд этади. Бошқача айтганда, фалсафа ўзининг муаммовий ва категориявий тузилишида у ёки бу давр борлиғи ва онгининг ички, моҳиятий жараёнларини умумий, назарий шаклда ифодалайди. Мазкур масалаларни жамият миллий қадриятига боғлаб ҳар томонлама назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари ҳаёт мазмуни, қадриятлари тўғрисидаги тасаввурлар йигиндисини мукаммал тизимга келтирган таълимот сифатида ҳамда ижтимоий-ахлоқий, амалий фалсафа сифатида XIX аср охирида “ҳаёт фалсафаси” мустақил йўналишга айланиб, инсоният маданиятини тадқиқ этиш юзага келди. Ҳаёт фалсафасида маънавий-маданий ҳаёт масаласи ўз ижтимоий мазмунига кўра жамиятда турли зиддиятларнинг кескинлашиши билан боғлиқ бўлиб, муштарак жамият барпо этишни тақазо қилаётган “ҳаётий стихия” нуқтаи назаридан изоҳланади. Немис файласуфи Фридрих Ницше инсон ҳақида анъанавий қарашларни таҳлил қилиб, уларга баҳо берар экан, одам боласида махлуқлик ва холиқлик бирлашиб беҳат кудратли фалсафий тафаккурни одамни махлуқликдан қутқариб, холиқлик мақомига кўтаришга қаратади. У ўзининг “Зардўшт таваллоси” номли асарида шарқ одами ҳақида фикр юритиб, инсонни, унинг яхшилигини улуғлади.[1] Ф.Ницше ўз фалсафасида биринчи ўринга ахлоқ масаласини қўяди. Жамиятда ахлоқий, маънавий, маданий ҳаётни ривожлантириш билан инсоннинг руҳий, маънавий борлиғи ҳам бойиб боради. Одамлар бир-бирини яхши тушунса, қалби пок бўлса, жамиятда ҳам уйида ҳам фаровонлик, покизалик бўлади. Инсон, авваламбор, ўз ичидаги ёвузликни енгиши керак. Шунда онг ҳам ўзгариб, ривожланиб боради, дейди Ф.Ницше. У инсондаги икки бир-бирига зид кучлар ҳақида сўз юритар экан, уларни гўзалликка интилиш, мутаносибликка эришиш ғоялари орқали бирлаштиришга ҳаракат қиласи. Бу деярли бажариб бўлмас вазифани ирова орқали амалга ошириш мумкинлигини гапиради. Албаттага, бу ҳаётий кураш жараёни инсондан жуда катта масъулиятни, ҳаракатни, меҳнатни

талааб этади. Лекин минг афсуслар бўлсинким, инсонлар ҳаёти буни аксини исботлайди.

Фалсафа таълим-тарбия бирлигига асосланиб, жамият миллий қадриягини юксалтиради, ўсиб келаётган ёш авлодда сиёсий, ғоявий, маънавий-ахлоқий, жисмоний фазилатларни, юксак онг ва маданиятни шакллантиради. Демак, ёш авлоднинг, миллатнинг қандай сиёсий, ғоявий, ахлоқий, ғоявий тамойиллар асосида яшashi ва меҳнат қилиши бугунги кунда юртимиизда амалга оширилаётган узлуксиз таълим-тарбия тизими самарадорлигига бевосита боғлиқ. Биринчи президентимиз И.Каримов ҳозириги вактда дунёда содир бўлаётган воқеаларга муносабат билдириб, “...кескинлик ва хавф-хатарларнинг тобора ўсиб, геосиёсий қарама-қаршиликлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган курашнинг, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдиларнинг кучайиб бораётгани барчамизни ташвиш ва ҳавотирга солмасдан қўймайди”, - деб таъкидлаган эди[2]. Мамлакатимизда ҳукм суроётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини асраш, мустақилликнинг қадрига етиш, Ватан тараққиёти учун даҳлдорлик туйғусини англаш, ҳар қандай хавф-хатар ва таҳдидларнинг олдини олишда гуманитар ва ижтимоий-фалсафий фанларнинг ўқитилишини, уларнинг таъсирчанлигини кескин кучайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Мазкур вазифаларни амалга оширишда фалсафий билимлар соҳасидаги энг сўнгги ютуқлар ҳамда илмий янгиликларга таянган ҳолда, мавжуд ҳолатни илмий-назарий ўрганиш, мазмунан бойитиш, такомиллаштириш ҳамда ислоҳотлар талабларига тўла жавоб берадиган даражага келтириш тамойилларига асосланиш зарур.

Фалсафий тафаккурнинг ижтимоий-сиёсий асослари ҳар қандай жамият халқининг ижтимоий онгини ўзгартиришга, унинг пировард мақсадларига хизмат қилишга қаратилган. Бугунги кунда фалсафий тафаккурнинг янгиланиши нафақат умумий маънавий муҳитнинг, балки ҳар бир шахснинг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларига қаратилган. Шу маънода, фалсафий билимлар буюк алломалар орзу қилган фозил одамларнинг комил фазилатларини шакллантириш ва такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга

эга. Маълумки фалсафа фан сифатида шахс дунёқарашини ўстиради, ақл ўйини сифатида фикрлашга, топқирликка ундейди. Умумий қилиб айтганда, одамлар дунёқарashi, руҳий ҳолати, ақли, шахсий тажрибаси ва шу кабиларнинг турли шаклларига эътиборни қаратади. Фалсафа мақсадни, воситани, инсон ўз-ўзини ва ўзини қуршаган дунёни оқилона, иррационал ёки интуитив англаб етишга ёрдам беради. Бундан ташқари ҳар бир инсон учун оламшумул аҳамиятга эга бўлган саволларга жавоб бериш мулоҳазалари ва мантигини яратишга асос бўлади. Фалсафанинг предмети, моҳияти, мақсад, вазифаларини тушунишга нисбатан ёндашувлар, нуқтаи назарларнинг ранг-баранглигига қарамай, у барча замонларда ва мамлакатларда ёшларга таълим-тарбия беришнинг бир усули сифатида ёндошилади. Таъкидлаш лозимки, фалсафа умумий қабул қилинган, ягона тилга, шак-шубҳасиз белгиланган қонунларга ва ҳар қандай фалсафий таълимотлар учун умумий бўлган категорияларнинг муайян мажмууга эга эмас. Шунингдек, у билимлар ягона тизимини тузишга ҳаракат қилмайди ва пировард натижада, масалан, фан каби аниқ натижалар олишга умуман қаратилмаган.

Мазкур фан моҳиятини англашимиз, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашимиз ва фалсафа инсон ўз -ўзини ва ўзини қуршаган дунёни англаб етишида қандай рол ўйнашини ангалаш зарур. Зеро И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади”[3]. Шу боис фалсафага яхлит муносабат, унда кўтарилиган масалаларнинг теранроқ ва тўлиқроқ талқини, уни тушунишимиз ва фалсафий муаммоларнинг сирли ва жозибали дунёсига кириб бориш билан ёш авлодни замонавий фан ютуқларига асосланган фалсафий билимлар билан қуроллантириш керак. Фалсафа ўз шаклланиши ва ривожланишининг қадимги давридаёқ, табиат, инсон, жамият ва маънавиятни, шунингдек сабабий боғланишлар, қонунлар ва шу кабиларни билиш соҳасида юксак натижаларга эришди ва оқилоналик нуқтаи назаридан одамларнинг дунё ҳақидаги умумий тасаввурига айланди. Ҳозирда фалсафий билимнинг муҳим таркибий қисмлари

хисобланган **онтология – мавжудлик**, борлық ҳақидаги билим, **гносеология – билиш** назарияси, **ижтимоий фалсафа** – жамият ҳақидаги таълимот, **этика – ахлоқ** ҳақидаги таълимот, **аксиология - қадриятлар** ҳақидаги таълимот, **фалсафий антропология** – инсон ҳақидаги таълимот ва бошқалар орқали фалсафий муаммолар моҳиятини тушуниб етиш, уларнинг энг муҳимларини аниқлаш, фалсафий билимлар билан ошно бўлиш – кўрсатилган бўлимларни синчилаб ўрганиш, бунда уларга яхлит бир бутуннинг таркибий қисмлари сифатида ёндашиш зарур.

Фалсафанинг ахлоқий функцияси одамлар хулқ-атвори ва у ёки бу жамиятда юзага келувчи муносабатлар билан боғлиқ. Биринчи навбатда ахлоқий қадриятлар, уларнинг табиати, асослари ва жамиятдаги амалий роли, фалсафани доимо ахлоқий тарбиялашдаги вазифасини кўрсатиб беради. Фалсафанинг тарбиявий функцияси ҳақида фикр юритилганда бу масаланинг халқаро даражадаги кенг ва ҳар томонлама муҳокамаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда сўз юритиш лозим. Бугунги кунда нафақат айрим халқлар, балки бутун жаҳон ҳамжамияти ўз-ўзини англаш етишга йўналтирилган фалсафага муҳтождир. Буни 2002 йилдан Юнеско қарорига биноан, бутун дунёда ҳар йили ноябр ойининг учинчи пайшанбасида ўтказиладиган “Жаҳон фалсафа кунлари” ҳам, ҳозирги кунда дунё учун энг муҳим масалаларга эътиборини қаратганидан далилдир. Инсонни шахс сифатида тарбиялаш ва камол топтириш масаласида мутафаккирларнинг асарларида атрофлича тахлил этилган. Қадимги мутафаккирлар ҳар томонлама таълим ва тарбияни, яъни ўз қобилияtlари ва имкониятларини рўёбга чиқаришга қодир бўлган жисмоний ва маънавий жиҳатдан комил инсонни шакллантириш масаласига катта эътибор берганлар. Платон, Демокрит, Зардўшт ва бошқа машҳур файласуфлар фикрига таяниб, маърифат ёрдамида, таълим ва тарбия жараёнини зўрликка қарши йўналтириш ва одамзот ақл-идроқини камол топтириш орқали инсоннинг бошқача табиатини яратиш мумкин.

Фалсафа ёшлар дунёқарашини шакллантириш орқали уларнинг хулқ-атворини, келажагини, ҳаётини ёритишга қўмак беради. Фалсафий билимларни

ўқитиши жараёнида жамиятдаги маънавият ва ахлоқнинг ҳолатини тахлил этиш, ижтимоий меъёрлар ва тамойилларни ривожлантириш, ижтимоий онгни, кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш, ижтимоий аҳамиятга молик бўлган, ижтимоий-сиёсий муаммолар, маданият ва маънавият масалаларига доир мухокама ва мунозараларни амалга ошириш зарур. Бир сўз билан айтганда жамиятда ва ёшлар фаолиятида юксак маънавиятни, ахлоқий баркамолликни таъминлаш мақсадга мувофиқ[4]. Колаверса, юксак маънавият мавжуд демократиянинг ҳам ривожланишини таъминлайди. Юксак тараққий этган маънавият демократиянинг асоси ва таянчи ҳисобланади.

**Хуроса.** Демак, демократияга асосланган фуқаролик жамиятини шакллантириш, энг аввало, таълим-тарбия ва маънавий қадриятларнинг тараққиётига боғлиқ. Бугунги кунда жамиятда ёшларнинг дунёқарашини бойитиш, уларда Ватанга, қадриятларга садоқат ҳиссини кучайтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтириш фалсафий фанлар олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб, жумладан миллий-маънавий ва таълим-тарбия соҳасидаги янгиланишлар, дунёда кечаётган глобаллашув жараёнларини тахлил этиш, ёшларнинг дунёқараши ва тафаккурини шакллантириш, маънавий дунёсини ўстиришда, фалсафий билимларни мазмунан бойитиб бориш ғоят долзарбdir.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Н.Жўраев. Тахайюл, тасаввур, тафаккур Нитше таваллоси. Тошкент, “Янги аср авлоди”. 2015 йил, 15-б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008 йил, 83-б.
3. Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд И.Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. – Т.: Шарқ, 2000. 45-49 б.
4. А.Раимов, Н.Раимова. Ҳикматлар шодаси. Тошкент, “Ўзбекистон”. 2015 йил, 236-б.

5. Yuldashev, F., & Yuldasheva, N. (2019). THE ROLE OF COMMUNICATION SKILLS AND IMPROVING THESE SKILLS IN TEACHING. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(2), 262-266.
6. Karimov, U. U., & Karimova, G. Y. (2021). THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN ACHIEVING EDUCATIONAL EFFECTIVENESS. *Журнал естественных наук*, 1(1).
7. Каримов, У. У. (2017). РОЛЬ СРЕДСТВ МАССОВОЙ ИНФОРМАЦИИ В ПРОЦЕССЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ. In *Перспективные информационные технологии (ПИТ 2017)* (pp. 1189-1192).
8. Каримов, У. (2017). ИНФОКОМТЕХНОЛОГИИ (ИКТ) ФОРМИРОВАНИЕ ДУХОВНЫХ ХАРАКТЕРИСТИК ЛИЧНОСТИ. In *Перспективные информационные технологии (ПИТ 2017)* (pp. 1160-1163).
9. Arzimatova, I., & Tursunov, B. (2021). THE ROLE SOCIAL FACTORS IN THE SPIRITUAL DEVELOPMENT PERSONALITY. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(2), 163-170.
10. Abdurakhmanovich, Y. F. (2016). HUMANITY AND HAPPINESS-A VITAL FACTOR IN THE INDEPENDENT LIFE OF THE YOUNG GENERATION. *EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR)*, 2013, 252.
11. Arzimatova, I. (2019). AESTHETIC EDUCATION, ITS FEATURES AND STRUCTURE. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(6), 219-222.
12. Kuzibaevna, O. G. (2020). TECHNOLOGIES OF DEVELOPING THE ECOLOGICAL CULTURE OF STUDENTS IN THE PROCESS OF LEARNING A FOREIGN LANGUAGES IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS. *Solid State Technology*, 63(1s), 1816-1825.
13. Usmanov, N., Ganiev, B. S., & Karimova, G. Y. (2021). THE PHILOSOPHICAL BASIS FOR THE FORMATION OF SPIRITUAL MATURITY AMONG YOUNG PEOPLE. *Oriental Journal of Social Sciences*, 33-37.

14. Каримов, У., & Каримова, Г. (2018). ГЕОПОЛИТИЧЕСКАЯ КОНКУРЕНЦИЯ В ИНФОРМАЦИОННОМ ПРОСТРАНСТВЕ. In *Перспективные информационные технологии (ПИТ 2018)* (pp. 1368-1372).
15. Karimov, U. U. (2021). Scientific and Theoretical Foundations of the Formation of the Social Environment in the Family. *Oriental Journal of Social Sciences*, 37-40.
16. Umaralievich, K. U. SPIRITUAL EDUCATION OF STUDENTS OF PEDAGOGICAL UNIVERSITIES ON THE BASIS OF CULTURAL AND HUMANISTIC APPROACH.
17. Bozarov, D. M., & Karimova, G. Y. (2021). ROLE OF THE SELF-ORGANIZATION MODEL IN COMPLEX SOCIAL SYSTEMS. *Oriental Journal of Social Sciences*, 1-9.
18. Normatova, D. E. (2021). The Development Of Socio-Philosophical Thought In Western Europe On The Eve Of The End Of The Renaissance. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(03), 371-377.
19. Karimov, U., & Kasimov, I. (2018). THE IMPORTANCE OF MODERN INFORMATION TECHNOLOGIES IN DEVELOPMENT OF DISTANCE EDUCATION.
20. Pulatov, G., Ganiev, S., & Karimova, G. POSSIBILITIES OF INFORMATION TECHNOLOGIES IN ENSURING THE QUALITY OF EDUCATION.
21. Каримов, У., Хакимова, Д., & Тулкинов, З. (2018). ЗАДАЧИ ПОСТРОЕНИЯ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА. *Теория и практика современной науки*, (10), 193-195.
22. Рафикова, Д. К., & Каримова, Г. Й. (2020). ЁШЛАРНИ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. *ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ*, 2(1).